NAMANGAN VILOYATI MINGBULOQ TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Jomasho`y shaharcha, Bo`ston ko`chasi, 30 uy

2022 - yil 6 - dekabr 626-6-81-Q/22 Mingbuloq tumani hokimligi

Мингбулоқ туманида дам олиш куни ярмаркаларини ўтказиш жойи ва муддатлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6, 25-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари”нинг 5, 57-бандларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. "Қўриқобод" МФЙнинг 2022 йил 10 ноябрдаги 85-сонли тақдимномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мингбулоқ туманида дам олиш куни ярмаркаларини ўтказиш жойи этиб Мингбулоқ туман деҳқон бозори белгилансин.

3. Мингбулоқ туманида дам олиш куни ярмаркалари ҳафтанинг якшанба кунлари соат 08:00 дан 16:00 га қадар ташкил этилади.

4. Дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида савдо ўринлари бепул асосида берилсин.

5. Дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек, илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат этилсин.

6. Мингбулоқ туман давлат солиқ инспекцияси, ички ишлар бўлими, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими ва бошқа манфаатдор ташкилотлар дам олиш куни ярмаркаларини тайёрлаш, ўтказиш ва ёпиш бўйича зарур тадбирларни амалга оширсин.

7. Ушбу қарор “Мингбулоқ” газетасининг навбатдаги сонида расман эълон қилинсин ҳамда бир иш куни ичида ҳокимликнинг расмий веб-сайтига (Mingbuloq.uz) жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга

киради.

9. Мазкур қарордан норози шахслар юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари (Д.Абдуллаев) зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **Н.Худойбердиев**